

Масжидул Ҳаромга 8000 та янги ногиронлар аравачаси етказиб берилди



13:59 / 17.12.2021 1589

Масжидул Ҳаромга имконияти чекланган зиёратчиларнинг ҳаракатланиши учун 8000 та оддий ва электр аравачалар келтирилди.

Ташриф буюрувчи зиёратчилар аравачаларни махсус мобил илова орқали брон қилишлари мумкин бўлади. Ногиронлар аравачалардан фойдаланиб бўлгандан сўнг улар дезинфекция қилинади.

Қироллик соғлигида муаммоси бор зиёратчиларга алоҳида эътибор қаратиб, ҳар йили Макка ва Мадинада умра ва ҳаж ибодатларини эмин-эркин адо этишлари учун мусулмонларга янада қулай шароитлар яратиб беришга ҳаракат қилиб келмоқда.